



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 13 ноябрь, чоршанба

№90 (11.478)

Эркин нарҳда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН - ЛИТВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Халқаро ҳамкорлик маркази"да Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Литва ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия хамраислари - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов ҳамда Литва Республикаси транспорт ва коммуникация вазири Зигмантас Бальчитис бошқарган мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил сентябрда Литвага ташрифи чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янги bosқичга кўтаришга қаратилгандир. Дастлабки йиғилишни ўтказиб қўйилган ушбу комиссия ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилди.


2001 йил якунларига кўра, Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги йиллик товар айланмаси 29,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Комиссия мажлисида бу кўрсаткич икки томонни ҳам қониқтирмаслиги, фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги айтиб ўтилди. Ҳозир Ўзбекистонда Литва сармоядорлари иштирокида ташкил этилган 22 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундай самарали ҳамкорликни савдо, транспорт инфратузилмаси ва сайёҳлик соҳасида янада ривожлантириш мумкин.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган "Литва Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш ва аниқ сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган таллай тадбирлар белгилангани алоҳида таъкидланди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида, шунингдек, томонлар турли соҳалардаги ўзаро фойдали алоқалар истиқболли, икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари хусусида фикрлашди. Олдинда турган вазифаларни бажаришда бундай мулоқотларнинг яхши самара беришига эътибор қаратилди.

Озод РАҲАБОВ,  
ЎзА муҳбири.



## «ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ»: ИСТИҚБОЛДА ИШОНЧ БИЛАН



«Охангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқараётган турли-туман бинокорлик ашёлари республикамизнинг деярли барча қурилишларида фойдаланилмоқда дейиш мумкин. Бу ерда туну-кун қўнрали асбоб-ускуналар ёрдамида тайёрланаётган барча маҳсулотлар сифат жиҳатидан ҳам юксак талабларга жавоб беради. Асосий маҳсулот — цемент эса халқаро сифат сертификатига эгадир.

Шунинг учун ҳам корхонанинг барча маҳсулотлари талаб мунтазам ортиб, буюртмалар салмоғи тобора кенгайиб бораёпти. Ҳатто, Афғонистонда ўзбек бинокорлари халқаро ёрдам дастури бўйича 10 та кўприк қуришда ҳам ундан фойдаланишмоқчи. Буни ҳисобга олаётган жамоа эса, айниқса, цемент тайёрлашни йил сайин кўпайтирмоқда. Буни кейинги йиллардаги меҳнат натижалари мисолида кўриш мумкин. Жамоа 1999 йилда мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 693,8 минг тонна қурилиш «нони» — цемент этказиб берган бўлса, ундан кейинги йилда бу кўрсаткич

750,1 минг тоннага етди, утган йили 938,8 минг тонна ташкил этди. Жорий йилда эса, унинг ҳажмини 1 миллион тоннадан ошириш режалаштирилган ва бу марра ҳам муваффақиятли эгаланмоқда. Ҳиссадорлик жамиятида ундан ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун имкониятлар бор. Унинг лойиҳадаги қуввати тўла ўзлаштирилса, цемент тайёрлашни 1768 тоннага этказиш мумкин. Хом ашёлар захиралари катта бўлиб, корхона яқинида ва қазилма ишларини олиб бориш учун жуда қулай жойлашган. Чунинчи, Қўшбулоқ оҳак ва Шавазсой саз тупроқ конларининг ҳар бирида тегишли-



ча 60 миллион тонна оҳак ва 50 миллион тонна саз тупроқ мажҳуд. Бу жамоанинг узоқ йиллар давомида бир маромада ишлашни таъминлайди. Юқорида келтирилган рақамлар корхонанинг истиқболига ишонч билан қараш учун асос бўлади. Бундай имкониятлардан хабар топган кўпгина хорижий инвесторлар ҳиссадор-

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илгир ишчиси Шавкат Усаров; муҳандис Анна Батурина бошқарув пулти ёнида; жамият бўлиmlарининг бири. Муҳаммад АМИН олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 2002 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов  
Тошкент шаҳри, 2002 йил 12 ноябрь.

- Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.
- "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
- "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
- "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
- "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
- "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
- "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## ЭКОЛОГИЯ ПОСБОНЛАРИ НАЗОРАТИ

Қибрай тумани ҳокимлиги ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда табиат муҳофазаси бўйича тадбир ўтказмоқда.

Маҳаллаларда кунлик навбатчилар фаолияти йўлга қўйилган. Улар аҳоли томонидан турли чиқиндиларни дуч келган ерга ташлаш, қуриган барглари ёқиб юбориш каби ҳолларга йўл

қўйилмаслигини назорат қиладилар. Шу кунга қадар 10 дан зиёд ана шундай ҳолатлар аниқланиб, жарима ундирилди. Тадбир давом этади. **Ўз муҳбиримиз.**

## ЯНГИСИНИ ҚУРИБ, ЭСКИСИНИ ТАЪМИРЛАШАПТИ

Чиноз туманида талай қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу кунга қадар 2 километрдан зиёд автомобиль йўли қурилган бўлса, 17 километрдан зиёдга қайта асфальт ётқизилди. Бешта автобус бекати барпо этилди, 14 таси эса таъмирдан чиқарилди. Янги

кўприк қурилиши якунланиб, эскилари тўла таъмирланди. Йўл четларига 4 километрдан зиёд бетон ариқчалар қурилди. Катта йўллар четига турли мавзурлардаги 10 га ақин паннолар ўрнатилди.

## ЧИРЧИК ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 11 ноябрь куни халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Шаҳар ҳокими Мирмуҳаммад Мирмуҳаммадов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан эгалаб турган вазифасидан озод қилинди. Шукрулло Ҳабибуллаев Бобоев Чирчиқ шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди. Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулов сўзга чиқди.

## Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимода

### ЎЗБОШИМЧАЛИК ЯХШИЛИККА ОЛИБ КЕЛМАЙДИ

Вилоят қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда хонадонларни газ билан таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор берилган. Чунки, унинг қишлоқ уйларига кириб бориши, айниқса, рўзғорда кўпгина енгилликлар яратди. Шунинг учун бу манзилгоҳларни газлаштириш жадал бормоқда. Унинг қўлайликларидан баҳраманд бўлаётган оилалар кўпайиб бораёпти.

Бу яхши. Лекин, газ таъминотидаги узилтирилган ёки унинг камайиб кетиши, айрим ҳолларда этказиб берилмаган «зангори олов» ҳақини талаб қилиш ҳам учраб турибдики, бу истеъмолчиларнинг ҳақли норозиликлари ва эътирозлари га сабаб бўлмоқда.

Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига келатган айрим шикоят-аризалар шундан далолат берапти. Чунинчи, Янгийўл тумани-

ни улардан талаб қилган. Маҳалла аҳолиси бундай номаъқулчилик ҳақида вилоят газ таъминоти идорасига ҳам ариза билан мурожаат қилган, айни вақтда далолатнома ҳам тузилган. Лекин, улар ҳақли талабни инобатга олмаганлар. Натихада, вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига шикоят йўллаб, бундай ўзибуларчиликни бартараф

(Давоми 2-бетда).

## Чорвачилик: муаммо, мулоҳаза, таклиф

### ХАШАКИ НАСЛ КИМГА КЕРАК?

Яқинда отам билан мол базорига борган эдик. Айланиб юриб, ёши олтишлардан ошган бир кишининг гаплари эътиборимни тортиди.

— Нима бало, ҳаммаёқни жайдари, наслининг тайини йўқ мол босити. Зотдорлари йўқ бўлиб кетганими, дейман?

Бу гапнинг тагида маъно бордек. Кейинги йилларда наслчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўзга ташланмай қоляпти. Айтишингиз мумкин: «Ҳозир ун-

рилмоқда? Соҳа кай аҳволда? Вилоят «Чорванаслхизмат» масъулияти чекланган жамияти иш фаолияти билан таъинганимизда, юқоридаги саволларга бироз жавоб топгандек бўлди.

Ушбу ташкилот қандай фаолият билан шуғулланишидан ҳаммамнинг ҳам хабари бўлмаса керак.

«Чорванаслхизмат» жамияти хўжалиқларни зотдор, насли тоза чорва моллари билан таъминлаш, сунъий урчишти ва бошқа шу каби ишларни амалга оширади. Бунинг учун эса АҚШ, Германия, Польша, Голландия ва чорвачилик ривожланган бошқа давлатлардаги наслчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Амалга оширилган ишлар қўламинга назар ташласак, йил бошидан буён 13 минг 565 бош урғочи мол урчирилди.

Шундан 7 минг 939 таси сунъий йўл билан амалга оширилди. Бу жараёни таъини равишда ўтказиш учун эса хориждан 118 бош зотдор новослар олиб келинди. Ундан ташқари Сурхондарё вилоятидан 57 бош хисори кўчқорлар насли олиш мақсадида келтирилди. Булар вилоятдаги наслчилик билан шуғулланувчи хўжалиқларга шартнома асосида тарқатилди. Охангарон туманидаги «Ангрен» ширкат саволларга бироз жавоб топгандек бўлди.

— Ишларимизнинг ҳозирги даражаси ўзини ҳам қониқтирмайди. — дейди жамият раиси Уктам Саидов. — Вилоятимизда бевосита наслчилик билан шуғулланувчи хўжалиқларнинг ҳақли норозиликлари ва эътирозлари га сабаб бўлмоқда. Амм, бугунги кунда ташкилотимиздаги наслчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Амалга оширилган ишлар қўламинга назар ташласак, йил бошидан буён 13 минг 565 бош урғочи мол урчирилди. (Давоми 3-бетда).

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчиси»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин. Сенимли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га 2003 йил учун обуна бўлишини унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади - Сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.





